Янги йилингиз билан, азиз юртдошлар!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil 31-dekabr, shanba

№ 156 (3817)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ҚАРОРИ**

## 2017 — 2021 ЙИЛЛАРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагиларни ўз ичига олган Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган дастур (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади):

мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг асосий параметрлари, молиялаштириш ҳажми ва манбалари 2, 3-иловаларга мувофиқ;

2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳларни ташкил қилишнинг асосий параметрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дастурнинг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш;

мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этиш;

замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш;

2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, жиҳоз, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедиали воситалар билан таъминлаш.

3. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган дастурнинг бажарилишини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб юритилади) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Н.Арипов) Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан масъул бўлган вазирлик, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тизимли асосда мувофиқлаштиришни, белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши ҳамда асосий параметрларга эришилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширсин.

Республика комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тақдимномаси бўйича мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхатига тасдиқланган асосий параметрлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

↘ (2).

## Илм-фан ютуқлари — тараққиётнинг муҳим омили

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида — 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашди.**

Учрашувда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари, Фанлар академияси аъзолари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, таълим тизимини ривожлантириш, инновацион иқтисодиёт тараққиётига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир.

Бу борадаги ишлар бугун изчил ва тизимли равишда давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисидаги фармонида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш мақсадида бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап, деди Президентимиз. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб.

Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг ҳаммасини ҳам илм-фаннинг бугунги юқори ривожланиш даражасига тўла жавоб беради, деб бўлмайди.

Юқори технологик илмий маҳсулотларни амалиётга жорий этиш учун янги замонавий тажриба-ишлаб чиқариш, конструкторлик-технологик ташкилотлар ҳамда инновация марказларини ташкил этиш зарур. Маркетинг ва лицензиялаш хизматлари талаб даражасида эмас. Бу мамлакатимиз илмий-инновацион маҳсулотларини амалиётга кенг татбиқ этишда яққол сезилмоқда.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Янги технологияларни жорий қилувчи корхоналарга имтиёзлар ва преференциялар бериш илм-фанга инвестиция киритадиган корхоналар сони сезиларли даражада ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Мавжуд илмий салоҳият ва маблағларни иқтисодиёт тармоқларининг буюртмалари ва муайян муаммоларни ечишга қаратилган энг муҳим устувор тадқиқотларга йўналтириш зарур.

Жаҳоннинг етакчи институтлари, университетлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда, деди Президентимиз. Хорижнинг етакчи ўқув ва илмий муассасаларида таълим ва илмий даража олган юртдошларимиз учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни рағбатлантириш чораларини кўриш керак.

Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўп. Улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозим. Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашдаги биринчи босқич – мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарур. Бу йўлда ҳеч нарсани аямаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди учрашувларида илгари сурилган таклифлар, жумладан, замонавий технопарклар, Академиклар шаҳарчасида эркин иқтисодий ҳудуд мақомига эга бўлган Инновацион марказ ташкил этиш бўйича ташаббуси илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, соҳага маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш имконини бериши илм-фан аҳли томонидан алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Фанлар академияси академиклари А.Қаюмов, М.Салоҳиддинов, Р.Убайдуллаева, С.Рашидова, А.Глушенкова, Т.Даминов, Ж.Бозорбоев, Б.Йўлдошев, Б.Назаров ва бошқалар Президентимизнинг яқинда қабул қилинган фармони соҳа ривожида муҳим рол ўйнашини таъкидлаб, мавжуд долзарб масалалар, мамлакатимизда илм-фан ҳамда инновацион фаолиятни янада ривожлантириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди. Президентимизга мамлакатимизда илм-фан ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаётгани, илм аҳлини рағбатлантиришга қаратаётган алоҳида эътибори учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иқтисодиётимизнинг барча соҳалари тараққиётида илм-фаннинг ўрни, аҳамияти ғоят катта экани, бу борада давлатимиз биринчи галда Фанлар академияси ва олимларга суянишини, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бугун ниҳоятда долзарб эканини алоҳида таъкидлади. Йиғилганларни яна бир бор Янги йил байрами билан қутлади.

**ЎзА**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Самимий табригингиз учун чин юракдан миннатдорлик изҳор этаман. Сиз билдирган ишончдан ғоят таъсирландим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мен бу ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан, БМТнинг мамлакатингиздаги ваколатхонаси, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази орқали янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламан.

Орол денгизининг қуриши оқибатларини юмшатиш бизнинг умумий ва устувор мақсадимиз эканини яхши англайман. БМТ ушбу фожеа билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайверади.

Янги лавозимга киришар эканман, Ўзбекистон халқи ва умуман Марказий Осиё минтақасининг фаровонлиги йўлидаги яқин ҳамкорлигимизни янада кенгайтирамиз, деган умиддаман.

Ўзбекистон Республикасига ташриф буюриш ҳақидаги таклифингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман. Бунинг учун қулай имконият бўлиши билан мамлакатингизга бориш ниятидаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан муборакбод этаман. Сиз билан яқин вақтларда учрашиш ҳамда глобал ва минтақавий долзарб таҳдидларни бартараф этиш йўлида ҳамкорликда ишлаш имкониятини сабрсизлик билан кутаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Самимий ва эзгу тилаклар билан,

**Антониу ГУТЕРРЕШ,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сайланган Бош котиби**

## САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

2016 йил 24 декабр куни қардош Ўзбекистон Республикасига ташрифим давомида менга ва Қирғизистон делегациясига кўрсатилган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этаман.

Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганининг юбилей санаси куни бўлиб ўтган музокараларимиз ва очиқ фикр алмашганимизни мамнуният билан эслайман. Ишончим комилки, ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришнинг йўналишларини белгилаб олиб, бу борада тўлиқ англашувга эришдик. Бу халқларимиз фаровонлиги йўлида юқорида тилга олинган шартномага янги ҳаёт бағишлайди.

Учрашувимиз якунида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизнинг барча масалаларини, жумладан, аввал биз муросага келолмаган масалаларни ҳам ҳал қилиш имконини беради. Мамлакатларимизнинг тегишли давлат идоралари олдида ушбу келишувларни қисқа муддатда амалга ошириш борасида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу ишлар муваффақиятли бажарилишига ишонаман.

Сизни яна бир бор ишонтириб айтаманки, Қирғизистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлида собит туради.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини янги — 2017 йил билан самимий табриклайман!

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон янги йилда иқтисодиёт ва жамиятни янада юксак суръатлар билан ривожлантиришга эришади, деб ишонаман.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизга куч-қувват, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига Сизнинг Президент этиб сайланганингиз билан боғлиқ барча эзгу мақсадлари рўёбга чиқишини, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Сизни янги йилда ўзингизга қулай вақтда Қирғизистон Республикасига расмий ташриф билан келишга таклиф этаман.

Ҳурмат билан,

**Алмазбек АТАМБОЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Янги — 2017 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, компаниялар раҳбарлари ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.*

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**
Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси — **Дмитрий Медведев**
Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**
Туркманистон Президенти — **Гурбангули Бердимуҳамедов**
Қирғизистон Республикаси Президенти — **Алмазбек Атамбоев**
Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**
Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**
Арманистон Республикаси Президенти — **Серж Саргсян**
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти — **Ашраф Ғани**
Испания Қироли — **Фелипе VI**
Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Йоахим Гаук**
Буюк Британия Бош вазири — **Тереза Мэй**
Польша Республикаси Президенти — **Анджей Дуда**
Исландия Президенти — **Гвюдни Торласиюс Йоуханнессон**
Кувайт Давлати Амири — **Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
Мўғулистон Президенти — **Цахиагийн Элбэгдорж**
Янги Зеландия Генерал губернатори — **Пэтси Редди**
МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби — **Сергей Лебедев**
Халқаро олимпия қўмитаси президенти — **Томас Бах**
«Лотте групп» компанияси президенти — **Шин Донг Бин**
Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори — **Виктор Гришин**
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили — **Стефан Приснер**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

Байрам шукуҳи

## Болажонлар кўнгли шод

*Бухоро вилояти мусиқали драма театрида ташкил этилган «Президент арчаси» байрам тадбирида болажонларга давлатимиз раҳбарининг совғалари топширилди.*




Қорбобо ва Қорқиз иштирокида театр ижодий жамоаси томонидан меҳр-оқибат, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғолиб чиқиши, инсон доимо яхшиликка интилиб яшаши ҳақида ҳикоя қилувчи эртак-спектакл намойиш этилди. Шўх куй-қўшиқ ва рақслар, айниқса, ўқув қуроллари ва ширинликлардан иборат совға болаларга чексиз қувонч улашди.

— Эртак қаҳрамонлари билан бирга маза қилиб ўйнадик, — дейди Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Мустақила Абдуллаева. — «Меҳрибонлик» уйида дарсдан кейин турли тўгаракларда билим ва маҳоратимизни янада ошириш, ўзимиз қизиққан спорт тури билан шуғулланишимиз учун барча шароит яратилган. Бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишимиз, ҳаётда муносиб ўрин топишимиз йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган оталарча эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз.

Президент совғаларини топширишга бағишланган бундай тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев сўзга чиқди.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

ҚАРОРИ

# 2017 – 2021 ЙИЛЛАРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

↖(1).

4. Қуйидагилар Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шунингдек ўйин майдончалари, болалар айвонлари қуриш ва уларнинг ҳудудини ўраш мақсадлари учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади);

мактабгача таълим муассасалари ҳудудини ободонлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлаш учун — Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг маблағлари;

мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш учун — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

халқаро молиявий институтлар, ташкилотлар ва донор мамлакатлар маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017 йилдан бошлаб Жамғарма параметрларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг харажатлар сметасида Дастурни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг таълим соҳасига ҳар йилги ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида алоҳида сатр билан ажратилишини назарда тутсин.

5. Белгилансинки:

мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш намунавий лойиҳалар бўйича амалга оширилади;

мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси зиммасига юклатилади;

мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш, мол-мулкидан самарали фойдаланиш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига юклатилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги буюртмаси асосида «ТошуйжойЛИТИ» акциядорлик жамияти билан биргаликда хорижий тажрибадан ва мамлакатимизнинг иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда, янгидан қурилиши белгиланган қуввати 70 ва 120 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасаларининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин;

Дастур доирасида мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин;

буюртмачилар билан пудратчилар ўртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, жумладан тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ бажариладиган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларига қўйиладиган талабларга ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ушбу қарорнинг 2-иловасига мувофиқ, тасдиқланган мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг асосий параметрлари самарали ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури лойиҳаси ва қурилишнинг манзилли рўйхатини шакллантиришда янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ҳамда уларни зарурий жиҳоз ва инвентарлар билан таъминлашнинг молиялаштириш ҳажмини аниқлаган ҳолда, мактабгача таълим муассасаларининг аниқ сони ва рўйхатини белгилаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига қуйидагиларни амалга оширишда шахсий масъулият юклатилсин:

мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш манзилли рўйхатига киритилган объектлар бўйича танлов (тендер) савдоларини ўз вақтида ўтказиш;

мактабгача таълим муассасаларида қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши ва фойдаланишга топширилишида тасдиқланган намунавий лойиҳа, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қатъий риоя қилиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2016 йил 29 декабр*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Мустақиллик йилларида республикада миллий таълим ва тарбия тизими давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли жорий этилиши натижасида мамлакатда ноёб узлуксиз таълим тизими барпо этилди.

Мактабгача таълим соҳаси мазкур тизимнинг илк бўғини ҳисобланади ва бутун таълим-тарбия тизимининг асосий мақсади бўлган — баркамол авлодни тарбиялашга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини ошириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2015 — 2016 йиллар давомида 459 та мактабгача таълим муассасаси мукаммал таъмирланди ва замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди.

Шу билан бирга, бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва ўқув-тарбиявий режаларига қўйилган давлат талабларини такомиллаштириш долзарб масалалигича қолмоқда. Аксарият мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замон талабларига жавоб бермайди. Болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш кўрсаткичи ҳамон пастлигича қолмоқда.

Мавжуд муаммоларни амалий бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Дастур асосида қуйидаги кенг кўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режа ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш;

2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан қишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, ускуналар, ўқув-методик қўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 2,2 триллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Қарор билан белгиланган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагиларга эришилади:

юқори сифатли мактабгача таълимни таъминлаш, болаларни сифатли мактабга тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига муқобил дастурларни жорий этишга;

болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этишга;

3-6 ёшдаги мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни уларнинг ота-оналарини методик қўлланмалар билан таъминлаш орқали мактаб таълимига тайёрлашни ташкил этишга;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини 50 та янги қурилиш ҳамда мавжуд муассасаларнинг 1167 тасини реконструкция қилиш ва 983 тасини мукаммал таъмирлаш орқали кенгайтиришга;

қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар бадал тўловини 30 фоизгача камайтиришга;

болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 1,5 баробар оширишга.

Дастурнинг самарали амалга оширилиши унда кўзда тутилган кўрсаткичлар ижросининг боришини тизимли мониторинг қилиб бориш орқали давлат органларининг доимий назоратида бўлади.

Қарорнинг амалга оширилиши давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида республикамизнинг узлуксиз таълим тизимини янада ислоҳ қилиш борасидаги ривожланиш йўлининг узвий ва босқичма-босқичлигини таъминлайди.

# Халқаро конференция якунлари

**Австрия пойтахти Вена шаҳрида 18-Марказий Осиё оммавий ахборот воситалари конференцияси бўлиб ўтди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳам иштирок этди.**

Конференция мавзуси «Марказий Осиёда ОАВ эркинлигига хавфлар хилма-хиллиги» деб номланганининг ўзиёқ бу масала нафақат журналистлар, балки бутун жамият учун ҳам ўта долзарб эканидан далолатдир. Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, муҳокама чоғида ўртага ташланган масалалар фақат минтақавий аҳамиятга эга эмас. Бугунги кунда коммуникация олами глобал тус олмоқда. Инсоният Ер шарининг барча минтақаларида экстремизм ва адоват кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқда. Бундай шароитда масс-медиа воситалари олдига бугунги жамият ҳаётида ўз ўрни ва ролини, жамоатчиликка ишончли ахборот етказиш масъулиятини англаш, ҳақиқий демократияни таъминлашда оммавий ахборот воситалари салоҳиятини намоён этишдек муҳим масала қўйилмоқда.

Анжуман иштирокчиларидан бирининг фикрича, илгари авторитар давлатлардагина эркин ва мустақил журналистларни унчалик хуш кўрмаган бўлса, бугун журналистлар ҳамжамиятига ҳатто демократик ривожланган мамлакатларда ҳам жамоатчилик томонидан жиддий босим ўтказилмоқда. Бу ҳақиқат. АҚШда бўлиб ўтган Президент сайловида ҳар икки етакчи партия вакиллари ахборот тарқатиш, сайлов кампаниясини ёритишда иштирок этган оммавий ахборот воситаларининг нохолислигини бир неча бор қайд этганини мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, ижтимоий технологик тараққиёт бугун инсоният олдига нафақат ахборот кўплиги муаммосини қўймоқда, балки жамоатчилик фикрини бошқариш, уни сохта маълумотлар билан таъминлаш ва турли мафкуравий дастурларга бўйсундириш учун глобал миқёсда шароит яратиб бермоқда. Шу муносабат билан давлатлар ва халқаро ташкилотлар тарғибот-ташвиқот ҳамда мафкуравий таъсир ўтказиш жараёнларига барқарор тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашга жиддий хавф сифатида алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Конференцияда бугунги кунда Ўзбекистонда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, мамлакатимизнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида атрофлича маълумот бердик. Халқимиз ўз келажаги учун ишонч билан овоз берган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва унинг якунлари тўғрисидаги ахборот иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатимизда юксак савияда ўтказилган демократик сайлов якунларини конференция иштирокчилари ва ЕХҲТнинг ОАВ эркинлиги масаласи бўйича вакили бюроси ҳам кенг қўллаб-қувватлади. Сайловнинг барча босқичларида мониторинг олиб борган ЕХҲТ кузатувчиларининг тўлақонли миссияси ҳисоботи ҳам Ўзбекистонда сайлов холис, очиқ ва адолатли ўтганидан яққол далолат беради.

Юртимизда юз бераётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораётган журналистлар Ўзбекистон жадал ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этмоқда. ЕХҲТнинг ОАВ эркинлиги масаласи бўйича вакили бюроси ходимининг таъкидлашича, Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш, суд тизимининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакат раҳбарияти демократик қадриятларни қарор топтириш, халқ фаровонлигини янада юксалтиришни мақсад қилганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Журналистлар ушбу йўналишда миллий масс-медиани ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилганини таъкидлади. Анжуман давомида оммавий ахборот воситалари халқнинг ҳокимият билан мулоқотида фаол иштирок этиши, жамиятда самарали коммуникацияларни йўлга қўйишда ижтимоий тармоқлар салоҳиятидан кенг фойдаланиш бўйича кўплаб таклифлар билдирилди.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот ҳам тадбир иштирокчилари қизиқишига сабаб бўлди. Иштирокчиларнинг фикрига кўра, мамлакатимизда Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва мониторинг бўйича Жамоатчилик кенгаши ташкил этилгани, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг «очиқлик индекси» миллий рейтинги шакллантирилгани Ўзбекистонни давлат институтларининг ахборот очиқлигини таъминлаш борасида минтақада етакчи давлатга айлантиради.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ва журналистикани ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирганда, ушбу соҳа давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари учун имтиёз ва преференциялар бир неча йиллардан буён қўллаб келинмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиш бўйича демократик стандартларга мос мустаҳкам қонунчилик тизими яратилган. Мазкур қонунчилик нормалари миллий масс-медиа воситалари, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари фаолиятининг иқтисодий асосларини ишончли ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида ОАВ самарали иштирок этиши учун қулай шароит яратмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида 2017 — 2021 йилларда мамлакатимизни янада ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳақида тўхталди ва мазкур ҳужжат лойиҳаси кенг муҳокама учун эълон қилинишини таъкидлади. Журналистлар ҳам ушбу дастурни муҳокама этиш жараёнида фаол иштирок этиши, ўз таклифларини билдириши лозим, деб ўйлайман. Яқин ва ўрта муддатли истиқболда мамлакатимизни стратегик ривожлантиришга хизмат қиладиган мазкур ҳужжат миллий оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, жамиятда уларнинг ролини ошириш ва фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши зарур.

Ушбу кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, мамлакатимизда ахборот соҳасини янада ривожлантириш, Бош қомусимизда белгиланган фуқароларнинг сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

**Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси.**

Қарор ва ижро



# Қишлоқ аҳлига янги йил туҳфаси

**Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қайқи қишлоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори асосида барпо этилган дастлабки уй-жойлар фойдаланишга топширилди.**

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган замонавий уй-жойлар қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириб, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ўтган йилларда Наманган вилоятидаги 97 массивда 4 минг 927 уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди.

Қайқи қишлоғининг Фаровон маҳалласида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилган арзон уй-жойларни фойдаланишга топшириш маросимида бу алоҳида таъкидланди.

— Президентимиз қарори асосида қисқа вақт ичида қишлоғимизда шундай кўркам ва замонавий даҳа пайдо бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эдик, — дейди меҳнат фахрийси Маматхон Аббосов. — Бундай шинам ва арзон уй-жойлар айниқса, ёш оилалар учун жуда қулай бўлиб, оилалар мустаҳкамлиги ва фаровонлигига хизмат қилади.

«Қишлоқ қурилиш банк» Наманган вилояти филиалининг 1 миллиард 800 миллион сўм кредит маблағи эвазига «Гумбаз мадад қурувчи файз» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган икки сотихли, уч хонали 10 уй-жойнинг калити ёш оилаларга топширилди.

— Тўрт ўғил, бир қизим бор, — дейди Қўғай қишлоғида яшовчи Иноят Холмирзаева. — Уч келиним билан бир ҳовлида яшар эдик. Президентимизнинг ёш оилалар учун арзон нархларда уй-жойлар қуриб беришга доир қарори биз каби катта оилалар учун катта имконият яратди. Икки ўғлимга янги қурилган уйлардан олдик. Уларнинг нархи ва тўлов шарти бизга жуда маъқул бўлди. Бундай ғамхўрликлар учун барча оналар номидан давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

Қишлоқда икки қаватли, тўрт йўлак ва 16 хонадонли уйлар ҳам фойдаланишга топширилди. 2017 йилда Наманган вилоятида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича 400 та икки ва уч қаватли уйлар, икки, тўрт ва олти сотихли 3-4 хонали 784 арзон уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров сўзга чиқди.

**А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири**

Касаба уюшмалари — болаларга!

# Байрам совғалари

«Касаба уюшмалари — болаларга!» акцияси доирасида Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида ҳам хайрли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан Янги йил байрами муносабати билан эҳтиёжманд оилаларнинг уйда таълим олаётган 5 нафар ногирон фарзандига, шунингдек, ҳудуддаги 70-мактаб-интернат ўқувчиларига совғалар улашилди.

— Бундай тадбирлар ҳали давом этади, Янги йилда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди, — дейди туман кенгаши раиси Ўсарқул Усанов.

* * *

Ховос туман ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма ташкилоти ходимлар ва уларнинг фарзандлари учун Янги йил тадбири ташкил этди. Бошқарма бошлиғи Алишер Мустафоқулов ва касаба уюшма қўмитаси раиси Дилором Худойбердиева барчани байрам билан табриклади. Ходимларнинг фарзандларига совғалар берилди.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан шу корхонада узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан Нурмамат Юнусов, Абдулла Эргашев ҳамда марҳум Жўрабой Аҳмаджонов ва Нурилло Абдуллаев оилаларидан хабар олиниб, касаба уюшмасининг байрам туҳфалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари ҳар доимгидек хайрли ишларга бош-қош бўлаётир.

— Байрам арафасида имконияти чекланган ҳамюртларимиз ҳузурига бориб, ҳол сўраш, совға-салом улашиб, кайфиятини кўтаришни мақсад қилганмиз, — деди бирлашма кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Женгисбой Аяпов. — Хусусан, вакилларимиз Нукус шаҳридаги 40-мактабгача ёшдаги ногирон болаларга ихтисослаштирилган муассасада бўлиб, бу ерда тарбияланаётган жажжиларга бирлашма кенгаши совғаларини топширишди.

**Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири**

# СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИДАН ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИГА

Етакчи минбари

**Фаолиятимизни сарҳисоб қилар эканмиз, зиммадаги вазифаларни лозим даражада бажардикми, нималар эътибордан четда қолди, келаси йили қайси жиҳатлар устуворлик касб этиши керак, деган фикрлар кечади хаёлимиздан.**

## Одамлар рози бўлсин...

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят ташкилотлари томонидан фидойи ва заҳматкаш соҳа вакиллари меҳнати муносиб рағбатлантирилди. Йил давомида 264 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, пенсия ёшидаги 48 нафар ходимга қимматбаҳо совғалар топширилди, шу тарика халқимизга хос бағрикенглик намоён этилди. Албатта, жамоат ишларида фаол фидойи инсонлар ҳам эътибордан четда қолмади. Анъанага кўра, Хивадаги «Мурувват уйи», Хонқа туманидаги «ХОСПИС» қариялар уйига касаба уюшмаларининг совғалари тақдим қилинди.

Саломатлик посбонлари соғлиги ҳам ҳамиша эътиборимизда. Ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 146 нафар, касаба уюшма маблағи ҳисобидан 212 нафар киши республикамизнинг сўлим санаторийларида соғломлаштирилди. Жумладан, 14 нафар ходим бепул дам олиш имконига эга бўлди. 350 нафар ходимнинг фарзандлари «Шодлик» оромгоҳида, 108 нафар бола Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда ёзги таътилни мароқли ўтказди.

Олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси сифатида Урганч туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси М.Жуманова «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил» танлови республика босқичида 2-ўринни, Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси М.Аҳмедова «Энг намунали бошланғич ташкилот» танлови республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритди. ТТА Урганч филиали ассистенти Сардор Хайитбоев «Энг фаол ёш шифокор» танловининг республика босқичида «Энг яхши рационализаторлик таклифи» номинацияси соҳиби бўлди. Урганч туман тиббиёт бирлашмаси қабул бўлими мудири К.Рўзимов «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танлови республика босқичи ғолиблари сафидан жой олди. Шунингдек, вилоят тиббиёт ходимларидан икки нафари давлат мукофотларига, 9 нафари «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 31 октябрда қабул қилинган «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини алоҳида эътироф этиш жоиз. Хусусан, 2017 — 2018 йилларда Хоразм вилоятида маҳаллий доривор ўсимликлардан дори тайёрлаш ва бошқа материалларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган 5,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 11 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Мазкур чора-тадбирлар, биринчи навбатда, аҳолини сифатли ҳамда арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга, одамлар саломатлигини янада муҳофаза қилишга хизмат қилади. Қолаверса, соҳада янги иш ўринлари яратилишини кафолатлайди. Демак, касаба уюшмалари зиммасидаги масъулият янада ошади.

**Рашид ЙЎЛДОШЕВ,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси**



Акс-садо

## Янгидан-янги вазифалар

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» деб номланган маърузасида юртимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар чуқур таҳлил этилиб, олдинда турган вазифалар белгилаб берилди.**

Юртимиз истиқлол йилларида, тарихан қисқа вақт ичида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлди. Маърузада таъкидландики, юртимизда оналар ва болалар саломатлиги йўлида қилинаётган ишлар, ажратилаётган маблағлар, хусусан, «Соғлом она ва бола йили» дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, болалар спорти, оммавий спортни ривожлантиришга берилаётган эътибор туфайли жорий йилда спортчиларимиз Бразилияда ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мисли кўрилмаган ғалабаларни қўлга киритишди. Ўзбекистоннинг шиддат билан ривожланаётган давлатлар қаторида тилга олиниши ҳам қалбимизни ғурурга, ифтихорга тўлдиради.

Бироқ ҳали қилиниши лозим бўлган ишларнинг кўплиги ҳеч кимга сир эмас. Маърузада Президентимиз жорий йилнинг сентябр ойида ташкил қилинган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш юзасидан берган тавсия ва таклифлари эса кўпчилик қатори мени ҳам жуда қизиқтирди. Бундан ташқари, ёшларга оид давлат сиёсати, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим ва тарбия, қишлоқ жойларда ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўйича билдирилган таклиф ва тавсияларнинг амалий ижроси келгусида фаровон турмушимиз, давлатимиз тараққиётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Бинобарин, 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши ҳам олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўяди. Ҳеч биримизнинг бефарқ бўлишга, учрайдиган муаммо ва тўсиқларга панжа остидан қарашга ҳаққимиз йўқ.

**Икром РАҲИМОВ,**
**«Қашқадарё соҳили санаторийси» МЧЖ директори,**
**Соғлиқни сақлаш аълочиси**

Касаба уюшма сиҳатгоҳларида

## Она ва бола соғлом бўлса

### оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади

**Ўтаётган йилда ташланган залворли одимлар мамлакатимиз тарихи саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилиши шубҳасиз. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси учун ҳам ушбу йил унутилмас воқеаларга бой тарзда кечди. Жумладан, «Соғлом она ва бола йили» дастури доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.**



Айни кунда Санатор-курортлар бошқармаси тизимида 17 та санаторий мавжуд бўлиб, Соғлом она ва бола йилида уларда 116 минг 474 нафардан зиёд меҳнаткаш соғлиғини тиклади. Жумладан, 57 минг 200 нафар она ва 3 минг 805 нафар бола соғломлаштирилди.

«Соғлом она ва бола йили» дастури ижроси доирасида санаторийлар атрофида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган кўп болали она ва болаларни ташхислаш ва амбулатор йўл билан соғломлаштириш ишлари амалга оширилди. Хусусан, ҚФЙлар томонидан рўйхати шакллантирилган 1145 нафар она ва болани ташхислаш, амбулатор шароитда соғломлаштириш ишлари олиб борилди.

Санаторийга келган болаларни ижтимоий-иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида 4 ёшдан 7 ёшгача ҳамда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун алоҳида нархномалар ишлаб чиқилди.

«Она ва бола» бўлимлари ташкил этилиб, оилавий дам олиш учун барча зарур шароитлар яратилди. Шунингдек, болалар учун ўйингоҳ майдончалари, бўлимларда алоҳида болалар ўйин хонаси ташкил этилиб, керакли буюмлар (ўйинчоқлар, рангли қаламлар, албом, пластилин, китоблар) билан жиҳозланди. Малакали тарбиячи мутахассислар жалб қилиниб, соғломлаштиришга келган болаларни йил давомида ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган машғулотлар олиб борилди. Санаторийга келган ҳар бир бола психолог кўригидан ўтказилди. Оналарнинг уй юмушлари, оила ташвишлари билан бўлиб ўз соғлиғига эътиборсиз бўлишини инобатга олган ҳолда ташхислаш ишларига эътибор кучайтирилди, уларнинг соғлиғини ҳимоялаш ва мустаҳкамлаш учун малакали шифокорлар томонидан ташхислаш ва касалликнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилди. Маммолог мутахассисларни жалб қилган ҳолда учрашувлар ташкил этилди. Аёлларга соғлом турмуш тарзи, яъни ҳомиладорлар учун махсус машғулотлар, камқонлик, йод танқислигининг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Барча аёллар гинеколог кўригидан ўтказилиб, улар учун тегишли тавсиялар ва соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилди. Аёлларимизнинг янада гўзал ва кўҳлик бўлишлари учун барча санаторийларда Spa, гўзаллик салонлари очилиб, уларнинг имконияти кенгайтирилди.

Тизимдаги «Оқтош» ва «Зомин» санаторийлари болалар учун ихтисослаштирилган бўлиб, уларда болаларни даволаш муолажалари замонавий физиотерапевтик аппаратлар ёрдамида амалга оширилди. Жумладан, «Зомин» санаторийсида замонавий ингалятор аппарати ёрдамида табиий балғам кўчирувчи доривор гиёҳлар билан ингаляция қилиш, сиҳатгоҳ сув ҳавзасида болалар учун сузиш бўйича ўқув-машғулотлари ташкил қилиш йўлга қўйилди. «Оқтош» санаторийсида янги даволаш усулларидан аромотерапия усули, нафас аъзолари касалликларига чалинган болаларни соғломлаштиришда ёзги мавсумда очиқ сув ҳавзасида даволаш, жисмоний машғулотлар усулларини қўллаш муолажаси ва антигистамин дори воситалари билан «эндоназал электрофорез» даво усули жорий этилди.

Ўқув-услубий марказ томонидан санаторийларда «Болалар учун намунавий даволаш жисмоний тарбия машқлари» дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди.

Шунингдек, дам олувчиларга кўрсатилаётган сервис хизматларини янада яхшилаш, санаторийларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, янги бино иншоотларни ташкил этиш ишларига катта эътибор қаратилди. «Оқтош» санаторийсида она ва болалар учун ошхонада алоҳида «Она ва бола» бўлими ҳамда «Зомин» санаторийсида амбулатор шароитда даволанишга келган она ва болалар учун даволаш бўлими ташкил этилди.

Барча санаторий кутубхоналарида «Соғлом она ва бола йили» бурчаги ташкил этилиб, бадиий китоблар билан бойитилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оналарнинг маънавий ва тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида дам олувчилар иштирокида «Соғлом бола — соғлом оила меваси», «Соғлом она ва бола — бахтли оила асоси, бахтли оила — фаровон жамият асоси» мавзуларида суҳбатлар, маънавий-маърифий, спорт тадбирлари ташкил этилди.

Тизимда «Соғлом она ва бола йили» дастури доирасида уюштирилган саховат ва эзгуликка йўғрилган бу каби тадбирлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Муҳими, ҳар бир хайрли ишимиз оналар, болалар ва ишчи-ходимларнинг саломатлиги ва кўтаринки кайфиятига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бир олам орзу-ниятлар билан кириб келаётган 2017 йилда ҳам **«Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади»** деган ҳаётбахш ғоя санаторийларимизда меҳнат қилаётган шифокору мутахассисларнинг қалбига янада чуқурроқ кириб бориб, ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшаверади. Зеро, соғлом она ва бола орзуси нафақат жамиятимиз, балки ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир.

**Н.НУРМАТОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

## СЎЗ – ЙИЛ ҚАҲРАМОНЛАРИГА!



**Ҳасанбой ДЎСМАТОВ,**
**XXXI ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони:**

*— 2016 йил — хотирамда бир умрга сақланиб қоладиган бўлди. Эришилган ютуқлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мен озод ва обод юртда туғилиб вояга етганлигимдан ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан майдонга чиқаётганлигимдан доимо ифтихор туяман. Айтишим мумкинки, муҳтарам Биринчи Президентимизнинг биз ёшларга қарата «Марранинг доимо юқори олинг, зеро, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди ҳам», деган сўзлари қалбимизга муҳрланган. Юртимизда ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар уларнинг жаҳон майдонларидаги ғалабаларига асос бўлмоқда, десам хато қилмаган бўламан.*

*«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат узлуксиз спорт тизимининг аҳамияти ҳақида қанча гапирса ҳам оз.*

*Кириб келаётган янги 2017 йилда ҳам спортчиларимиз ўзларининг юксак ғалабалари билан бутун халқимизни хурсанд қилишига ишонаман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Янги йил янгидан-янги ғалабаларга бой бўлсин!*



**Фотима АМИЛОВА,**
**XV ёзги Паралимпия ўйинлари олтин, кумуш, бронза медаллари соҳибаси:**

*— Фаолиятимдаги илк Олимпиадада бир йўла учта медал совриндори бўлганимдан жуда хурсандман. Ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, 100 метр масофани брасс усулида сузиб ўтиб, жаҳон рекордини янгиладим ва олтин медал соҳибаси бўлдим. 200 метрга комплекс усулда сузишда кумуш медал, 100 метрга баттерфляй усулида сузишда бронза медали насиб этди.*

*Яна шуни таъкидлашни истардимки, беллашувларда иштирок этган 32 спортчининг 31 та медални қўлга киритгани, ўзига хос натижадир.*

*Бундай ғалабаларга ўз-ўзидан эришилмайди. Мамлакатимизда спорт соҳасининг ривожига яратиб берилаётган шароитлар, билдирилаётган ишонч бизни янгидан-янги чўққилар сари чорламоқда.*

*Муҳими, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётган миллионлаб ўғил-қизларимиз жисмоний тарбия ва спортни ҳаётининг ажралмас бўлаги, кундалик эҳтиёжи деб билмоқда. Бу уларнинг жисмоний камолотида, халқаро мусобақаларда эришаётган юксак ғалабаларида ўз ифодасини топмоқда.*

*Кириб келаётган 2017 йилдан умидларимиз жуда кўп. Бу йил ҳам спортчиларимизга омадли келади, деб ўйлайман. Юртдошларимизни Янги йил байрами билан табриклар эканман, уларга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт, узоқ умр, бахт ва омад тилайман. Спортчиларимизга эса фақат ғалабалар ёр бўлишини тилаб қоламан!*



**Абдутолиб АБДУАЗИМОВ,**
**Фарғона вилоятидаги «Автоойна» МЧЖ кесиш ва олдиндан ишлов бериш участкаси ойна ишлаб чиқариш автоматлари созловчиси, «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови ғолиби:**

*— Ўн йилдан бери «Автоойна» МЧЖда ишлаб келаяпман. Ўтган даврда хорижлик мутахассислар кўмагида «NEXIA», «DAMAS», «MATIZ», «TICO» русумли автомобил ойналарини юқори сифат даражасида тайёрлаш технологияларини изчиллик билан ўзлаштириб кам бўлмадим.*

*Жамоамиз билан биргаликда 2010 йили «Ўзавтосаноат» АК таркибига кирувчи корхоналар ўртасида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини ташкиллаштириш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш» республика кўрик-танловида «Ишлаб чиқаришнинг энг яхши участкаси» номинацияси бўйича фахрли 3-ўринни эгалладик. Камтарона меҳнатларим ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланиб, 2011 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирландим, жорий йили «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги» кўкрак нишонига муносиб кўрилдим. Бу каби ютуқлар менга туганмас куч бағишлаб, янада шижоат билан ишлашга ундайди. Жорий йилда «Ўз касбининг моҳир эгаси» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман.*

*Келгуси йилда жамоамиз билан биргаликда янада баландроқ марраларни қўлга киритмоқчимиз. Юртимиз равнақига ўз ҳиссамизни қўшиш бош мақсадимиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизни кириб келаётган янги — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили билан самимий муборакбод этаман. Янги йилда барча эзгу ниятларингиз амалга ошишига тилакдошман.*



**Жамшид АБДУНАЗАРОВ,**
**Жиззах политехника институти илмий ходими, «Ёш мутахассислар» республика форуми иштирокчиси, грант соҳиби:**

*— 2016 йил менга жудаям омадли келди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган Форумда грант соҳиби бўлдим.*

*Аввало, камтарона меҳнатим юқори баҳолангани учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман. Ушбу рағбат келгусида янада масъулият билан ишлашимизга туртки бериши, шубҳасиз.*

*Танловга тақдим этган лойиҳам «Автомобил йўлларининг геометрик элементларини лойиҳалашда ҳисобий автомобиллар параметрларини лойиҳалаш» деб номланади. Ундан кўзланган асосий мақсад йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш, йўллардаги тирбандликнинг олдини олишга қаратилган.*

*Изланишларим давомида 30 га яқин илмий мақола ва ўқув қўлланмалар чоп эттирдим. Шу билан бирга, Жиззах политехника институтининг ёш олимлар кенгаши раиси сифатида янгидан-янги иқтидор эгаларини кашф этишга ҳаракат қилаяпман.*

*Барча юртдошларимизни Янги — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили билан чин қалбимдан табриклайман. Янги йил барчага омад ва бахт келтирсин!*

Энг яхши оромгоҳ бошлиғи

## Орзуларимиз рўёби



**Ўрмонжон ТЎЙЧИЕВ,**
**«Чимён» оромгоҳи бошлиғи (Фарғона вилояти):**

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг VI анъанавий Республика Форумида «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи» номинацияси бўйича тақдирландим. Бу эътироф зиммамга янада катта масъулият юклаш баробарида кучимга куч қўшди. Тўғриси, болалар билан ишлаш жону дилим. Ахир улар умидимиз ниҳоллари-да. Шу боис оромгоҳимизда кечадиган дам олиш онлари ўғил-қизларнинг хотирасида бир умр сақланишига ҳамиша эътибор қаратамиз. Ўнлаб тўгараклар болаларнинг билимини ошириш баробарида касб-ҳунар ўрганишига ҳам кўмак берди. Айниқса, чет тили тўгараклари иши намунали ташкил этилди.

Келаётган йилда «Энг яхши оромгоҳ» номинациясини қўлга киритиш мақсадида ҳозирданоқ тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик.

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

*Мамлакатимиз аҳолисини янги 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили билан қизғин қутлайди. Давлатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш йўлида фидойилик кўрсатаётган инсонларга, уларнинг оила аъзоларига сиҳат-саломатлик, хушкайфият, Ватан тараққиёти ва халқ манфаати йўлидаги эзгу ишларида ҳамиша муваффақият ёр бўлишини тилаймиз.*

*Янги йилингиз билан, азиз ватандошлар!*

## САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН САВДО САНОАТ ПАЛАТАСИ

*Меҳнатсевар халқимизни Янги йил билан муборакбод этади. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида дилларимиз оппоқ қордек мусаффо, ҳаёт йўлимиз янада тароватли бўлсин.*

Янги йил зафарли лаҳзаларга бой бўлсин, барчамизга қувонч, омад ва бахт келтирсин!

Фурсатдан фойдаланиб, палата томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан бошқарманинг www/tssp.uz сайти орқали танишишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамиз

## Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси

Соҳа ишчи-мутахассисларини Янги — 2017 йил билан самимий қутлайди.
Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили бахт-саодат, янгидан-янги зафарлар, тинчлик-омонлик йили сифатида тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битилсин.
Беғубор осмонимиз ҳамиша мусаффо, келажагимиз янада нурафшон бўлсин!

**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!**

## МАРКАЗ «ГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ КАСАБА УЮШМАСИ

*Халқимиз ва соҳа ходимларини кириб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этади. Истиқболи порлоқ юртимизнинг гуллаб-яшнаши, тараққий этиши йўлидаги фидокорона ишларимиз бароридан келсин.*

Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, фарзандларимиз келажаги порлоқ бўлсин!

## ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Барча ватандошларимизни
2017 йил – Халқ билан мулоқот
ва инсон манфаатлари йили
билан қизғин қутлайди.
Янги йил она Ватанимизга
ва оилаларимизга кўнгилни
яйратадиган, кўзларни
қувнатадиган ижобий
ўзгаришларни олиб келсин.
Мусаффо осмон
остида тинчлик-хотиржамликда,
соғлик-саломатликда
ҳаёт гаштини суриш,
фарзандлар камолини
кўриш ҳаммамизга насиб этсин!

### ЯНГИ ЙИЛ

Келди кулиб гўзал қиздай
Ибо билан янги йил,
Дилларга завқ бериб ажиб
Наво билан янги йил.

Келди ёш қалби тўлғаниб,
Оппоқ либос-ла безаниб,
Нозланган сулув келиндай
Ҳаё билан янги йил.

Ушбу кун борлиқ покланиб,
Табиат қадди тикланиб,
Келди соф, мусаффо, хушбўй
Сабо билан янги йил.

Дилларга шодлиқ улашиб,
Оппоқ қор роса ярашиб,
Келди ҳар кўнгилга равшан
Зиё билан янги йил.

Кўм-кўк арча турар яшнаб,
Хушқомат ҚОРҚИЗни бошлаб,
Келди мўл совға олган ҚОР
БОБО билан янги йил.

Эшниёз БУРХОНОВ,
Қашқадарё вилояти
Чироқчи туманидаги 34-мактаб
касаба уюшмаси раиси

## МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Эшик қоқиб келаётган
2017 йил билан чин дилдан
муборакбод этади.
Барчангизга қишнинг оппоқ
қори каби беғубор тилаклар
ҳамроҳлик қилсин.
Орзу-ниятларингиз бекаму-кўст
ижобат бўлсин. Мустаҳкам соғлиқ,
кўнгил хотиржамлиги ва
битмас-туганмас бахт ҳамиша
сизга ёр бўлсин!




## ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ДАНҒАРА ТУМАН КЕНГАШИ

Ўзбекистон халқини,
барча соҳа
ходимларини
эзгу орзуларга
тўла Янги йил билан
муборакбод этади!
Ёш авлод тарбиясига
йўналтирилган
машаққатли
меҳнатларимиз
самарасини кўриб
юриш барчамизга
насиб этсин.
Халқ билан мулоқот
ва инсон
манфаатлари йили
омадли ва
барокатли
бўлсин!

2017

## Бухоро шаҳридаги «Шоҳруд» акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Соҳа ишчи-ходимларини,*
*мамлакатимизнинг*
*барча аҳолисини кириб келаётган*
*Янги—2017 йил билан*
*муборакбод этади.*
*Бунёдкор халқимизга, уларнинг*
*оила аъзоларига*
*мустаҳкам соғлик, бахт-саодат,*
*фаровон ҳаёт,*
*дастурхонларига*
*қут-барака тилайди.*

Янги йил ҳар бир жамоага,
ҳар бир хонадонга тинчлик,
хурсандчилик, файз олиб келсин.
Қалблардаги энг фарахбаш
орзу-тилаклар рўёбга чиқсин!



## «Нефтгазқурилиштаъмир» акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Нияти пок, қадами қутлуғ,*
*қалби ҳамиша яратувчилик*
*ишқи билан ёнаётган*
*юртдошларимизни,*
*жумладан, соҳа ходимларини*
*Янги — 2017 йил*
*билан самимий*
*қутлайди.*

## Йилнинг энг яхши мақолалари

**1.** Саида Қодирова, касаба уюшма фахрийси, Шофиркон тумани. **«Ёшлик ва тинчлик учун шукрона қилинг»** (09.01.2016, 03-сон) мақоласи;

**2.** Иқбол Мирзо, Ўзбекистон халқ шоири. **«Тинчлик учун курашмоқ керак»** (14.01.2016, 05-06-сонлар) мақоласи;

**3.** Эргаш Очилов, филология фанлари номзоди. **«Саховат салтанатининг султони»** (09.02.2017, 17-сон) мақоласи;

**4.** Руслан Собуров, Навоий вилояти. **«Онангизни йўқладингизми?»** (04.02.2016, 15-сон), **«Бу шундай юрт, бу шундай эл момолари тебратар бешик»** (23.02.2016, 23-сон) мақолалари;

**5.** Наргиза Қосимова, журналист. **«Селфи: касалликми ёки такаббурлик»** (02.02.2016, 14-сон) мақоласи;

**6.** Иқболой Адизова, филология фанлари номзоди. **«Дуру гавҳарларга тўла денгиз»** (16.02.2016, 20-сон) мақоласи;

7. Гўзал Тохтаева, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хотин-қизлар комиссияси раиси. **«Аёл бахтли бўлса...»** (18.02.2016, 21-сон) мақоласи;

**8.** Шомирза Турдимов, филология фанлари доктори. **«Тинчлик, тотувлик, она табиатга муҳаббат айёми»** (17.03.2016, 32-сон) мақоласи;

**9.** Шодмон Сулаймон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. **«Озод диёрнинг умид дарахти»** (26.03.2016, 37-сон), **«Сингилнинг ўгайи, боланинг бегонаси йўқ»** (01.11.2016, 130-сон) мақолалари;

**10.** Тўлқин Ҳайитов, Халқаро Амир Темур хайрия фонди раисининг биринчи ўринбосари. **«Қалбларга ғурур ва ифтихор солган зот»** (02.04.2016, 40-сон) мақоласи;

**11.** Абдухолиқ Абдураззоқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. **«Қадри баланд қадрият»** (09.04.2016, 43-сон) мақоласи;

**12.** Наим Каримов, филология фанлари доктори, профессор. **«Хотира бонгги»** (03.05.2016, 53-сон) мақоласи;

**13.** Нуриддин Очилов, журналист. **«Бугунги Эски шаҳар»** (19.04.2016, 46-сон) мақоласи;

**14.** Янгибой Қўчқоров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. **«Қирқ чинорнинг ҳаётин яшаб»** (07.05.2016, 55-сон) мақоласи;

**15.** Нажмиддин Эргашев, журналист. **«Балиқчининг бахтли болалари»** (21.05.2016, 61-сон) мақоласи;

**16.** Самандар Исмоилов, халқ таълими аълочиси. **«Қўйқирилган қалъа — астрономия бешиги»** (21.05.2016, 61-сон) мақоласи;

**17.** Абдунаби Абдиев, Қамаши тумани. **«Хиргойи»** (23.06.2016, 75-сон) мақоласи;

**18.** Баҳодир Каримов, филология фанлари доктори, профессор. **«Миллат шаъни»** (22.10.2016, 126-сон) мақоласи;

**19.** Мадаминжон Солижонов, журналист. **«Саодатманд Саодат»** (27.10.2016, 128-сон) мақоласи;

**20.** Муқаддас Абдусамадова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. **«Уйдаги қуёш»** (27.10.2016, 128-сон) мақоласи;

**21.** Озода Жўраева, Чироқчи туманидаги 13-мактабнинг касаба уюшма қўмитаси раиси. **«Худойберди ва Очилой»** (29.10.2016, 129-сон) мақоласи;

**22.** Гулчеҳра Жамилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. **«Кимнинг хотираси яхши»** (08.11.2016, 133-сон) мақоласи;

**23.** Баҳодир Райимқулов, ўқитувчи. **«Гапнинг индаллоси»** (24.11.2016, 140-сон) мақоласи;

**24.** Алижон Муҳиддинов, касаба уюшма фаоли. **«Виждони уйғоқ аёл»** (01.12.2016, 143-сон) мақоласи;

**25.** Тўлқин Хидиров, «Касаба сайр» шўъба корхонаси директори. **«Туризм йўналишидаги имкониятлар»** (13.12.2016, 149-сон) мақоласи.




## Сарҳисоб

*2016 йилда таҳририятимизга уч мингга яқин хат ва мақолалар келди. Уларнинг аксарияти газеталаримиз саҳифаларида чоп этилди. Хусусан, ташқи муаллифларимиз йўллаган мингга яқин турли мавзулардаги материаллар қаторида қайд этилган ҳуқуқий саволлар 50 та, шикоят хатлари 52 тани ташкил этди. Айтиш ўринлики, оғзаки, телефон орқали қилинган мурожаатлар ҳам бўлди. Шунингдек, тадбирларни ёритиш юзасидан юборилган 347 та расмий хат орқали республикамизнинг турли ташкилот ва идоралари билан ҳамкорлик қилдик. Вилоят мухбирлари томонидан ҳам қарийб 1500 та турли жанрдаги материаллар юборилди.*

*Таъкидлаш лозимки, газета юзини кўрган ўнлаб чиқишлар қаторида, чоп этилмай, тегишли идораларга юборилган мақола ва журналистик суриштирувлар пировардида ечимини кутиб турган талай муаммолар бартараф этилди. Бунинг учун мактуб муаллифлари таҳририятга миннатдорлик хатлари йўллади. Шунингдек, муштарийлар томонидан «Жамоатчилик назорати» рукнидаги саҳифаларимиз эътироф этилди.*

*Жамоамиз ходимлари жойларга чиқиб, газетхонлар билан юзма-юз мулоқотлар ташкил этиб, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида Янги — 2017 йил учун ўзларига режалар тузиб олишди. Файзли ва мазмундор давра суҳбатлари саҳифаларимизни безади. Ҳар ойда мунтазам бериладиган «Газета ва газетхон» саҳифасини ҳам канда қилганимиз йўқ. Янги йилда ҳам газетхонларимиз билан узвий алоқаларни давом эттириб, улардан қайноқ мақола ва материаллар қатори, таклиф-мулоҳазаларини кутиб қоламиз.*

**Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими**

## Йилнинг энг фаол муаллифлари

1. **Эркинбой Абдуллаев**, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси;
2. **Абдулла Саидов**, меҳнат фахрийси, Жиззах вилояти;
3. **Акмал Саидов**, юридик фанлари доктори профессор, Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати;
4. **Қобилбек Каримбеков**, сиёсий шарҳловчи;
5. **Иброҳим Ҳаққул,** филология фанлари доктори;
6. **Абдураззоқ Юнус**, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари;
7. **Султонмурод Олим**, адабиётшунос;
8. **Турғун Зияев**, Тошкент давлат иқтисодиёт университети фахрий доктори;
9. **Гулноза Худойбердиева**, Шайхонтоҳур туманидаги 3-ДНИ нотариуси;
10. **Ҳамидулла Матисаев**, Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири;
11. **Шоира Раупова**, ўқитувчи, Тошкент шаҳри;
12. **Рисолат Мадиева**, журналист;
13. **Дилшод Абдуқодиров**, ЎзКУФК юридик бўлими етакчи юрисконсулти;
14. **Эътиборхон Раҳмонова**, ЎзКУФК бош мутахассиси;
15. **Маҳмуда Мурзаева**, ЎзКУФнинг Хотин-қизлар кенгаши аъзоси;
16. **Асад Асил**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси;
17. **Гулчеҳра Жамилова,** журналист;
18. **Одина Қулмуродова**, журналист;
19. **Навбаҳор Раҳмонова**, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси;
20. **Замира Рўзиева**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Олтин қалам» миллий мукофоти соҳибаси;
21. **Баҳром Қувватов**, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси;
22. **Жўра Маматқулов**, журналист;
23. **Феруза Эрматова**, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотларининг бирлашган касаба уюшма қўмитаси мутахассиси;
24. **Латифжон Мансуров**, ёзувчи;
25. **Кумуш Ўсарова,** ЎзДЖТУ талабаси.

Ифтихор

## Қувончимнинг чеки йўқ



Қаламкаш учун меҳнатининг эътироф этилишидан ортиқроқ мукофот йўқ. Қалбига ижод ҳаваси чўғ ташлаган инсон борки, бундай бахтни қўлга киритишга интилади.

20 йилдан буён «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятида «Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш» бўлими мухбири сифатида фаолият кўрсатаяпман. Ҳаётнинг қайнаб турган қозонига ўхшайдиган ушбу бўлимнинг ишлари жуда масъулиятли ва тезкорликни талаб этади. Халқ қалби ва эл-юрт қувончу ташвишлари, қайноқ меҳнат жабҳалари акс этган хатларни тезлик билан бўлимларга етказиш, газетада чоп этиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу каби ўта зийраклик ва тезкорликни талаб қиладиган ишларни ўз вақтида уддалашни ҳамиша шараф деб биламан. Баъзида бундай юмушлардан ортиб, қўлимга қалам оламан. Газета саҳифаларида фидойи инсонлар ҳаёти акс этган мақолаларим чоп этилса, икки карра хурсанд бўламан. Ахир, мустақиллик йилларидаги кенг кўламли ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, ажойиб қаҳрамонларнинг залворли меҳнатлари ҳақида ёзмай бўладими?!

Тақдиримда бор экан, шу йил июн ойида бел-умуртқа соҳасида оғир жарроҳлик амалиётини бошимдан ўтказдим. Шифохонада дард билан олишиб ётганимда бир хушхабар кўнглимни тоғ қадар юксалтириб, менга маънавий-руҳий куч-қувват бағишлагандай бўлди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови совриндори бўлиб, диплом билан тақдирландим. Жондан азиз она юртимизнинг биз ижодкорларга кўрсатаётган чексиз эътибори учун ўз миннатдорлигимни билдираман. Бундай ютуққа эришишимда, аввало, аҳил ва меҳнаткаш жамоамизнинг қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлагим келади. Ҳаммаси учун раҳмат!

Бу каби рағбат ва эътироф мени янада шижоат билан ишлашга ундайди. Шиддатли даврда залворли одимлар билан порлоқ истиқбол сари ишонч ва қатъият билан бораётган юртда яшаётганимдан тақдиримга шукроналар айтаман.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Эътироф




**Бугун юртимизда бир минг икки юздан зиёд даврий нашрлар фаолият юритмоқда. Улар орасида республика миқёсида ўз ўқувчиларига эга бўлган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг алоҳида ўрни бор. Истиқлолимизнинг 25 йиллиги кенг нишонланган мазкур йилда таҳририят ташкил топганига ҳам чорак аср тўлди. Ўтган давр мобайнида газета халқимиз босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўл, мамлакатимизда босқичма-босқич эришилган мислсиз ютуқларнинг ўзига хос солномасига айланди, деб бемалол айтиш мумкин.**

## Ажойиб анъана

Шубҳасизки, нашрнинг ўз овози ва нуфузига эга бўлишида таҳририят жамоасининг фидойилиги, ижодий ташаббускорлиги алоҳида ўрин тутади. Шу маънода, бу ерда ишлаган ва ишлаётган журналист борки, муассис фаолиятига ҳамоҳанг тарзда жамоатчилик дарду қувончи, кайфияти, ютуқ ва муаммоларининг ечимини акс эттиришда жонбозлик кўрсатиб келаётир. Зеро, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиори бевосита нашрнинг ҳам бош ғоясидир.

Таҳририятни танибманки, бу ерда нафақат журналистика, балки ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса қўшган, қўшаётган ноёб истеъдод соҳиблари фаолият юритгани, ҳозир ҳам муносиб издошлар қалам тебратаётганига гувоҳман. Муҳими, таҳририятда йиллар давомида сақланиб келаётган мўътадил ижодий муҳит бор. Бунинг натижасини ҳафтада тўрт кун чоп этиладиган газета ишидан ортиб, ходимлар бадиий ижод намуналаридан ташкил топган «Ishonch» газетаси кутубхонаси» рукнидаги тўпламлар чоп этилишида кўриш мумкин.

«Қалб ва қалам билан» номли тўпламни кўрганимда аҳил жамоа устоз журналистлар билан алоқаларни узвий давом эттириб келаётгани, вақти-вақти билан улар ҳузурига бориб, ўгит ва дуоларини олиб юриши, устозлар ижодига нафақат газета саҳифалари, балки китобларда ҳам кенг ўрин бериши ҳавасимни келтирганди.

Яқинда «Ижод сехри» деб номланган навбатдаги тўплам қўлимга тегди. Мазкур китобни мутолаа қилар экансиз, ўзимиз яшаб турган оламнинг турфа жилвалари, ҳар куни кўрсак-да, илғамаганимиз — ажойиб топилмалар гоҳ насрий, гоҳ назмий йўсинда ифода этилгани завқингизни оширади. Меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, яхшилик ва ёмонликнинг азалий кураши, руҳий кечинма, инсон ва табиат уйғунлигининг бадиий ифодаси ўқувчини сеҳрлаб қўяди, гўё. Ушбу тўпламда ҳам анъана давом этган, яъни, аввало, устозлар ижоди, сўнгра издошлар асарлари тизилган. Мен нафақат устоз-шогирдлик риштаси бардавомлигини, балки мана шундай ажойиб бадиий тўпламлар чоп этиб боришни ажойиб анъана деб атаяпман. Мустақилликнинг 25 йиллигига бағишланган ушбу армуғон нафақат газета муштарийлари, балки кўп сонли бадиият мухлислари, китобхонлар учун муносиб тухфа бўлган.

Фурсатдан фойдаланган ҳолда юртдошларимизни, ҳамкасб сифатида «Ishonch» жамоаси ходимларини байрам билан қутлайман. Ижодий фолияти бундан-да юксалишини, ҳаётлари фаровон бўлишини тилайман.

**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

## Арафа тилаклари

**Одатда қувончли кунларда яқин қадрдонларни эслайсан. Уларга дил очгинг, тилакларингни айтгинг келади. Таъбир жоиз бўлса, «Ishonch» газетаси ва унинг жамоаси менинг шундай яқинларим сирасига киради. Чунки журналистик фаолиятимнинг бошланғич даврлари шу газета таҳририятида кечган. Таҳрир ишлари саводхонлигимни оширган бўлса, турли мавзуларда мақолалар ёзиб қаламим чархлана борган. Ижодкор сифатида шаклланишимда ушбу газетанинг хизмати катта бўлган. Шунданми, ҳалигача «Ishonch»нинг минглаб ўқувчиларидан бириман.**



Йиллар оқар сувдай ўтаверакан. Шогирдман, деб юриб устозлар қаторига ўтганимизни сезмай ҳам қолибмиз. 2016 йилда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таҳририят жамоаси мени ҳам устозлар қаторида байрам тадбирига таклиф этиб, иззат кўрсатди. Андижондан йўл босиб бориб, қадрдонларим билан кўришиб қайтдим.

Жамоанинг ҳамиша изланишда экани мени қувонтиради. Ҳар йили турли кўрик-танловлар эълон қилиб, қаламкашларни ижодга руҳлантиради. Мен ҳам унда мақола ва очеркларим билан мунтазам иштирок этаман. Қарангки, яқиндагина якунланган «Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» кўрик-танловида менинг икки мақоламни ҳакамлар ҳайъати фахрли 1-ўринга муносиб кўрибди. Жуда мамнун бўлдим.

Касаба уюшмалари ташкил қилаётган тадбирлар қамрови ҳам кенг. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2016 йилги «Болалар оромгоҳлари ҳақидаги қўшиқлар» кўрик-танлови шулардан биридир. Мен ҳам бу танловда андижонлик бастакор Хотирахон Акромова билан ҳамкорликда янги қўшиқ яратиб иштирок этдим. Танлов ғолибларидан бири бўлдим.

Мана, халқимиз фаровонлиги йўлидаги юксалишларга, яхшиликларга бой 2016 йилни кузатиб, янги 2017 йилни қарши олаяпмиз. Юрагимнинг яқинларидан бири бўлган газета жамоасига янги йил қутлуғ келишини, беқиёс тухфалари билан ҳаммамизни хурсанд қилишини жуда истайман. Таҳририят ижодкорларининг илҳоми жўш урсин. Мухлисларнинг газетага муҳаббати кундан-кун ортсин.

**Замира РЎЗИЕВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира**

